МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

1996 йилдан чиқа бошлаган ✵ 2013 йил 29 май. Чоршанба №46 (907) ✵ www.mahallagzt.uz ✵ info@mahallagzt.uz

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

## ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР УСТУВОР

**Бугунги кунда юртимизда ноёб бошқарув тизими — маҳалла Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг фаол иштирокчисига айланган.**

Айниқса, конституциявий асосда ҳар икки ярим йилда бир марта ўтказиладиган фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови маҳалланинг том маънода демократия дарсхонаси эканидан далолатдир.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини янада такомиллаштириш, фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтиришда маҳалланинг аҳамияти ҳамда ролини ошириш каби долзарб ғоялар ўз ифодасини топган.

Дарҳақиқат, фуқаролар йиғинини бошқаришда янгича фикрлайдиган, фидойи, мураккаб вазиятларда масъулиятни ўз зиммасига оладиган, катта ҳаётий тажрибага эга, маҳаллада обрў-эътибор қозонган, элга қайишадиган, ҳалол, ташаббускор ва ватанпарвар йиғин раислари ҳамда маслаҳатчиларини сайлашни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Айни шу жиҳатлар янги таҳрирдаги «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунда яққол акс этганини «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлими, туман бўлинмалари мутасаддилари, маҳалла фаоллари ўз фикр-мулоҳазаларида билдириб ўтишди.

> [2]

1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

## БОЛАЛАР МЕҲР ВА АРДОҚДА

**Ўзбекистонда «Ҳар бир болага меҳр, эътибор!» шиори остида махсус ҳафталик бошланди**



1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган ҳафталикнинг дастлабки кунида «Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳамкорлигида «Ўз келажагимизни ҳамжиҳатликда яратамиз» мавзуида VI республика болалар форуми ташкил этилди.

Унда тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, ижтимоий соҳа вакиллари, педагоглар, меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирок этди.

> [2]

МУАММОЛАР МАҲАЛЛАДА ҲАЛ ЭТИЛАДИ

## ҲИСОБОТДА ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР ЕЧИМ ТОПМОҚДА

**Фуқаролар йиғинларида ҳокимларнинг ҳисобот бериши, шу орқали ҳудудларнинг энг долзарб масалаларини ҳал этиши муҳим аҳамиятга эга. Бу масала янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда ҳам ўз ифодасини топган. Жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятдаги 352 та фуқаролар йиғинининг 204 тасида туман ва шаҳар ҳокимларининг ҳисоботлари тингланган.**

Сирдарё вилоятининг Мирзаобод тумани Гулистон шаҳри билан чегарадош. Туман аҳолисининг аксарият қисми Гулистон шаҳридаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилади. Бироқ Навбаҳор ва Баҳористон қишлоқ фуқаролар йиғини аҳолиси бандлигини таъминлаш долзарб масала ҳисобланади. Туман ҳокими Абдуманноп Ҳусанбоев фуқаролар йиғинларида ҳисобот бериб, мазкур муаммони ҳал этишда асосий эътиборни маиший хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни ташкил этиш, тикувчилик, паррандачилик ва чорвачиликни йўлга қўйишга қаратди.

Бу борада тадбиркорлар ва ишбилармонларга имтиёзли кредит ажратиш, уларнинг кичик технологияларни харид қилишларига ёрдам бериш лозимлиги бўйича бандликка кўмаклашиш марказига, тижорат банклари ҳамда тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси раҳбарларига тегишли топшириқлар бериб, ижросини ўз назоратига олди.

> [2]

КЕЛАЖАККА САРМОЯ



С.АСЛОНОВ (ЎзА) олган сурат.

## БИТИРУВЧИГА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ

**уни амалиёт давридаёқ тадбиркорга айлантирмоқда**

**Эндигина 19 ёшга тўлган Гулчеҳра Нурова Нурота туманининг «Эшони судур» маҳалласида яшайди. Қўни-қўшнилари ундан мамнун. Чунки қиз момомерос каштачиликни давом эттириб, қадимий анъаналарга замонавийликни уйғунлаштирган ҳолда ажойиб безакли буюмларни (апликация) яратмоқда.**

— Шу йил туманимиздаги Ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежини тамомлайман, — дейди Гулчеҳра Нурова. — Маҳалламизда каштадўзлик ҳунари авлоддан-авлодга ўтиб келади. Мен болалигимдан кашта тикаман. Нақш гулларга бисер ва мунчоқ билан безак бериш эса менга завқ бағишлайди.

Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимиз ёшларига яратилаётган улкан имкониятлар қаторида коллеж битирувчиларига ўз бизнесини шакллантириши, иқтидорини намойиш қилиши учун имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Гулчеҳра Нурова ҳам «Микрокредитбанк» ОАТБнинг Кармана филиалидан олган 1 миллион 800 минг сўмлик кредит маблағига ип, мато ва бисер харид қилди. Ўзи тиккан сўзана, жойнамоз, палак каби каштали буюмларга безак беришга киришди.

Гулчеҳранинг ёрқин тасаввури ва қалб қўри билан яратилаётган буюмлар ўзига хос дизайни билан кишида ҳайрат уйғотади. Ёш қизнинг қадимий ҳунарга меҳри эса қадриятларимиз бардавомлигининг кафолати сифатида кўнгилга таскин, фахр бағишлайди.

> [3]

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

## ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

**Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида: «Дунёвий ва диний қадриятлар бир-бирини тўлдирмас экан, бугунги куннинг оғир ва мураккаб саволларига тўлақонли жавоб топиш осон бўлмайди», дея таъкидлаган эдилар.**

Дарҳақиқат, кўп миллатли ва кўп конфессияли мамлакатимиздаги динлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, дин ва давлат муносабатларининг одилона йўлга қўйилгани, таълим муассасаларида дунёвий билимлар ва диний қадриятларнинг уйғунликда ўргатилаётгани боис барқарор маънавий муҳит ҳукм сурмоқда. Қолаверса, истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ эътиқод эркинлиги учун кенг йўл очилгани, диний муносабатларни «Дунёвийлик даҳрийлик эмас» тамойили ҳамда «Инсон эътиқодсиз яшай олмайди» деган аниқ ишонч асосида қатъий белгилаган республикамизнинг сиёсий позициясидан андоза олаётган давлатлар бисёр.

Халқимизга хос бағрикенглик, турли эътиқод ва маданиятларга ҳурмат билан қаралаётгани боис, юртимизда диний, миллий ва ирқий камситишлар ҳамда низолар кузатилмайди. Тинч ва тотув яшаётган 130 дан зиёд миллат ва элат аҳли айни пайтда мамлакатимиздаги 16 та конфессия ва бир нечта диний ташкилотлар Конституциямиз кафолатлаб берган тенг ҳуқуқлилик асосида демократик, ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлида ягона оила сингари бирлашганлар.

Таъкидлаш жоизки, диний ва миллий бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашда мамлакатимиздаги диний ташкилотлар ва уларнинг таълим муассасалари ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда.

> [3]



## ЮРТИНГ ОБОД — ДИЛИНГ ОБОД

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

*Бугунги кунда Андижон шаҳрининг Истиқлол ва Миллий тикланиш кўчаларидаги бунёдкорлик, ободончилик ишларини кўрган кишининг ҳайрати ошади.*

*Истиқлол кўчасидаги Бобур майдони реконструкция қилиняпти. Икки томонига ўрнатилган 22 метрли устунлардаги ёритгичлар бутун майдонни тунда чароғон қилиб туради.*

*Шаҳарнинг бир асрдан зиёдроқ тарихидан сўзловчи бинонинг юз йиллик ғиштлари пардозланди. Тадбиркор Жасурбек Қўчқоров қураётган тўрт қаватли бинодан 12 хонадонли турар-жой, савдо ва маиший хизмат дўконлари ўрин олди.*

*Истиқлол кўчасида жойлашган «Анда жон», «Дилноз», «Шарқ» сингари тантаналар саройлари ва «Олтин водий» ресторани юртдошларимиз хизматида. Тадбиркор Машҳурбек Бадалов ота-боболари изидан бориб «Радио уйи»ни қайта қурди. Ичини турли радио-теле, электр ва маиший техника маҳсулотлари билан тўлдирди. «Grand Plaza» савдо марказида 300 дан ортиқ раста тадбиркорлар ихтиёрида.*

*Миллий тикланиш кўчасидаги «Хуросон» болалар дунёси дўкони, «Садаф» парҳез таомлар ошхонаси, ўнлаб савдо дўконлари ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари кўзни қувнатади. Тадбиркор Одинахон Бобораҳимова бунёд этган кафенинг фойдаланишга топширилишида иштирок этган меҳнат фахрийлари бунёдкорлик ишларига камарбаста бўлаётган одамлар шаънига илиқ сўзлар айтишди.*

*Ҳар икки кўчадаги 94 та бинода қурилиш ва реконструкция ишлари қизғин олиб борилляпти. Уларда 500 дан ортиқ қурувчи ва ҳашарчи меҳнат билан банд. Иншоотлар фойдаланишга топширилгач, мингдан ортиқ янги иш ўринлари юзага келади.*

*«Андижоншаҳарнур» корхонаси бошлиғи Шуҳратбек Аҳмедовнинг айтишича, кўчаларга ўрнатилган нақшинкор симёғочлар ва улардаги диод чироқлар нури Истиқлол сайилгоҳидаги ландшафт безакларига ўзгача чирой беради. Бу ерга келганлар маroқли ҳордиқ чиқариб, дам оладилар. Бунинг учун музқаймоқ ва салқин ичимликлар билан савдо қиладиган кафе ва дўконлар ишлаб турибди.*

*Истиқлол сайилгоҳи ва Миллий тикланиш кўчаси андижонликларнинг фахрига, ҳар кун соғиниб келадиган масканига айлангани рост. Аслини олганда бутун Андижон гуллар ва бахтли инсонлар шаҳрига айланди.*

Ботиржон ТУРСУНОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
Андижон шаҳар бўлинмаси
раисининг ўринбосари.

ҚОНУН ИЖРОСИ

## Соғлом келажак ва фаровон турмуш сари



Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган қонунлар ва қонуности ҳужжатлари аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш билан бирга, ёшларни миллий маънавиятимизга ёт иллатлардан ҳимоялашда ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 5 октябрдаги «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонуни ҳам узоқни кўзлаб ишлаб чиқилган муҳим ҳужжатдир. У кишиларни, айниқса, юртимиз аҳолисининг 60 фоиздан кўпроғини ташкил этган ёшларни алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарарли таъсиридан ва шу билан боғлиқ турли салбий оқибатлардан ҳимоялашни кўзда тутади.

> [4]

ЁШЛАР ВА ЖАМИЯТ

## ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАР ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

**Мамлакатимизда ёш авлоднинг маънан етук ва жисмонан соғлом бўлиб вояга етиши учун барча шароитлар яратилган. Келажак ворисларининг ҳақ-ҳуқуқларини муносиб ҳимоялаш ҳамда уларнинг манфаатларидан келиб чиқиб иш тутишни тартибга солувчи амалдаги қонун ҳужжатлари ҳам давлатимизда ёшларга оид сиёсатнинг болажон халқимиз фазилатларидан келиб чиқиб амалга оширилаётганидан далолат.**

Жумладан, вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар, жиноят содир этилишининг олдини олиш борасида соҳага доир қонунчилик базаси такомиллашиб бормоқда.

Юртимиз халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлигини ҳамда болалар аҳволини яхшилаш учун халқаро ҳамкорликнинг муҳимлигини эътироф этган ҳолда МДҲда биринчилардан бўлиб 1992 йилда «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенцияни ратификация қилди. 2008 йил 7 январда «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонун соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмини мустаҳкамлаш йўли билан болаларни, жумладан, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг амалдаги тизими самарадорлигини янада оширди. Мамлакатимизда ёшларга оид қонун ҳужжатлари, аввало, миллий ҳуқуқ тизимига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган талабларига асосланади. Юртимиз бевосита ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган ўттиздан ортиқ халқаро-ҳуқуқий ҳужжат иштирокчисидир.

Сўнгги йилларда «Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Ишга қабул қилишнинг энг кичик ёши тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиш тўғрисида»ги қонунлар кучга киргани, Конституциямиз, Оила, Фуқаролик, Меҳнат, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Жиноят кодекслари, «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда бола ҳуқуқларининг кафолатлари ўз ифодасини топгани болаларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини мустаҳкамлаш, ота-оналар ҳамда васийлик органларининг масъулиятини кучайтириш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш имконини берди.

> [2]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР УСТУВОР




< [1]

— Янги таҳрирдаги қонун мамлакатимизда ушбу йўналишдаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, пировардида маҳалланинг ҳаётимизда тутган ўрни ва аҳамиятини юксалтиришга қаратилгани билан эътиборга молик, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлими бошқаруви раиси ўринбосари Абдурашид Расулов. — Қонунда фуқаролар йиғини раиси ва йиғин маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалаларида ҳокимият вакиллик органлари, аввало, Олий Мажлис Сенатининг роли ва масъулияти янада оширилди. Хусусан, Сенат Кенгашига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни ўтказиш муддатларини, сайловга тайёргарлик тадбирларининг ўтказилиши муддатлари ва тартибини, яширин овоз бериш бюллетенларининг намуналари ва шаклларини белгилаш, Сенат Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиясини тузиш каби муҳим ваколатлар берилди. Шунингдек, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи таркибига халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашлари депутатлари киритилиши белгиланди.

Қонундаги ушбу янгиликлар фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловининг нечоғли демократик руҳда ўтказилишини кўрсатиб турибди.

— Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи ваколатлари юзасидан қонунга муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани айни муддао бўлди, — дейди Фонднинг Пискент тумани бўлинмаси раиси Муҳаммаджон Абдуазимов. — 14-моддага мувофиқ, эндиликда сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи фақат фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) қарори билан тузилади. Ишчи гуруҳига фуқароларнинг вакиллари сайлови бўйича ҳовлилар, уйлар ва кўчалар аҳолисининг умумий йиғилишини ташкил қилиш ва ўтказиш, фуқароларнинг сайланган вакиллари ҳақидаги умумий йиғилиши баённомасини тузиш, тегишли комиссияга тақдим қилиш учун ҳудудда яшовчи аҳоли фикрини ҳисобга олган ҳолда, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар бўйича таклифлар тайёрлаш, бўшаб қолган ўринларга фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилишини ташкил этиш бўйича қўшимча ваколатлар юклатилди.

Бундай янгиликлар тизимда ҳар томонлама муносиб шахсларнинг фаолият юритишини таъминлашга хизмат қилади.

— Қонунда сайловни ташкил этиш ва ўтказишга масъул органларнинг ваколатлари аниқ ифода этилган ҳамда улар ўртасида узвий алоқани таъминлаш билан боғлиқ нормалар мустаҳкамланган, — дейди Фонднинг Ангрен шаҳар бўлинмаси бош мутахассиси Холбунисо Пўлатова. — Сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларга фуқаролар вакиллари йиғилишини чақириш учун вакиллик нормасини белгилаш ваколати берилди.

— Фуқаролар йиғини раиси лавозими учун кўрсатилган номзодларга қўйиладиган талабларнинг қонунан янада кучайтирилгани муҳим янгилик бўлди, — дейди Чирчиқ шаҳар «Гулзор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Яҳё Ҳасанов. — Хусусан, ушбу лавозимга номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши, сайловгача камида беш йил шу ҳудудда муқим яшаган, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларида ёхуд тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига эга бўлиши лозим. Эндиликда сайлов муқобиллик асосида ўтказилади. Яъни фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига икки ва ундан ортиқ номзодлар кўрсатилади. Шунингдек, номзодлар сайлов бошланишидан олдин фуқаролар йиғинида ўз дастурини эълон қилади.

Номзодлар учун талабнинг кучайтирилиши бежиз эмас. Зеро, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига муносиб кишиларнинг сайланиши юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар изчиллигини таъминлашга хизмат қилади.

— Ҳаётимизда демократик тамойил ва қадриятларни қарор топтиришни кўзлайдиган қатор нормалар билан тўлдирилган янги таҳрирдаги ушбу қонуннинг мазмун-моҳияти жорий йилнинг 13-15 май кунлари ўтган ўқув-семинарларда мутахассислар томонидан чуқур таҳлил қилинди, — дейди Тошкент вилояти Зангиота тумани Чиғатой Оқтепа қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Миркомил Жўраев. — Хусусан, сайлов куни фуқаролар йиғинини (фуқаролар вакилларининг йиғилишини) ўтказиш тартиби белгилангани ва унга мувофиқ, фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) ишчи гуруҳининг раҳбари раислигида ўтказилиши, айни чоғда фуқаролар йиғинида раислик қилувчи фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига кўрсатилган номзодларни эълон қилиши ҳамда уларнинг ҳар бирига сўз берилиши демократик тамойилларга тўла мос келади.

— Янги таҳрирдаги қонунда овоз бериш тартиби аниқлаштирилган, — дейди Қибрай тумани «Байтқўрғон» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилором Салимова. — Мисол учун, фуқаролар йиғинига (фуқаролар вакилларининг йиғилишига) раислик қилувчи йиғин раиси лавозимига кўрсатилган номзодни амалдаги таклифларнинг келиб тушиш тартибига қараб эмас, балки алфавит тартибида овозга қўйиши ва улар учун овоз беришни таклиф қилиши ҳақидаги янги нормалар киритилган. Шунингдек, эндиликда фуқаролар йиғинида ҳозир бўлган фуқаролар эмас, овоз беришда иштирок этганларнинг ярмидан кўпининг овозини олган номзод фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиси лавозимига сайланган ҳисобланади.

— Ушбу ҳуқуқий ҳужжат ҳаётимизда демократик тамойил ва қадриятларни қарор топтиришга хизмат қиладиган бир қатор янги нормалар билан тўлдирилди, — дейди Олмалиқ шаҳар «Юлдуз» маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби Дилфуза Турғунова. — Қонуннинг овоз бериш ва натижаларни аниқлаш тартиб-таомилларига оид айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Хусусан, 21-моддада сайлов куни фуқаролар йиғинини (фуқаролар вакилларининг йиғилишини) ўтказиш тартиби белгиланган. Унга мувофиқ, фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) ишчи гуруҳининг раҳбари раислигида ўтказилади. Айни чоғда фуқаролар йиғинида раислик қилувчи фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига кўрсатилган номзодларни эълон қилади ва уларнинг ҳар бирига сўз беради.

Бир сўз билан айтганда, янги таҳрирдаги қонун фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчилар сайловини очиқ, ошкора ва демократик руҳда ўтказиш ҳамда юртимизда кучли фуқаролик жамиятини ривожлантиришда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Толибжон НИЗОМОВ
«Mahalla»

ЁШЛАР ВА ЖАМИЯТ

# ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАР ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

< [1]

Нотинч оилалар ва тарбияси оғир ўсмирлар билан тарбиявий ишлар кучайтирилиб, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг таълим, ижтимоий таъминот, ички ишлар органлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш натижасида мамлакатимизда вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликлар содир этилиши дунёдаги энг паст кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Аммо бу хотиржамликка берилиш учун асос бўлолмайди. Чунки аҳолисининг 40 фоизини вояга етмаганлар ташкил қиладиган юртимизда, ҳар бир ёшнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, турли салбий оқимлар таъсирига тушиб қолмаслигига эришиш устувор вазифалардан.

Қолаверса, болаларни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг норматив базаси таҳлили улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалалари ҳукуматнинг айрим қарорлари, вазирлик ҳамда идораларнинг ҳужжатлари билан тартибга солинишини кўрсатди. Бу ҳол мазкур муаммоларни ҳал этиши лозим бўлган органларнинг саъй-ҳаракатлари мувофиқлаштирилишини тақозо этарди.

Ушбу мақсадда қабул қилинган ва 2010 йил 30 сентябрдан кучга кирган «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонун вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Қонунда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда асосий принциплар: тизимлилик, оила билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, вояга етмаганнинг тарбиясига якка тартибда ёндашиш алоҳида кўрсатилган. Ҳужжатдан ўрин олган талаблар боис, эндиликда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, фуқаролар прокуратура органларини вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари бузилгани тўғрисида, васийлик ва ҳомийлик органларини етим болалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисида, соғлиқни сақлаш муассасаларини мунтазам равишда спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар истеъмол қилиш оқибатида тиббий текширувга, даволанишга муҳтож болалар тўғрисида дарҳол хабардор қилишлари шарт.

7-моддада ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар зиммасига вояга етмаганларнинг ўқиш вақтида ресторан, клуб, дискотека ёки кинотеатрларда бўлишига, болаларнинг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни истеъмол қилишига, ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига йўл қўймаслик чораларини кўриш вазифалари юклатилган.

«Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, қолаверса, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ролини янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унга асосан, Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар тўғрисидаги Низом янги таҳрирда қабул қилинди.

Низомда туманлар(шаҳарлар), вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги комиссиялар юқори комиссияни ҳар ярим йиллик якунлари бўйича ўз фаолияти тўғрисида хабардор қилиб туриши ва уларга ҳисобот бериши, тегишли ҳудудлар ҳокимларини, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисини эса — ҳар йил якунлари бўйича хабардор қилиб туриши ва уларга ҳисобот бериши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги комиссия йил якунлари бўйича ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини хабардор қилиб туриши ва унга ҳисобот бериб бориши тартибининг белгиланганлиги комиссиялар фаолиятини мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимининг барқарор ишлашига шароит яратади.

Комиссия таркибига халқ таълими, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, соғлиқни сақлаш, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, ички ишлар органлари, шунингдек хотин-қизлар қўмитаси, касаба уюшмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, мудофаага кўмаклашиш жамияти, меҳнат жамоалари, маданий-маърифий ва бошқа муассасаларнинг вакиллари кириши вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигининг олдини олишда комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, комиссияларнинг ҳуқуқий ҳолати унинг бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигида намоён бўлади. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар таълим, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, ички ишлар органлари билан биргаликда ва жамоатчиликнинг фаол иштирокида етим ва ота-она қаровисиз қолган болаларни; вояга етмаганларни ва ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оилаларни; таълим муассасаларида машғулотларга узрли сабабсиз мунтазам бормайдиган вояга етмаганларни, шунингдек, давлат ва жамоатчилик ёрдамига муҳтож бўлган бошқа вояга етмаганларни аниқлайдилар ва ҳисобга қўядилар ҳамда уларни жойлаштириш чора-тадбирларини кўрадилар.

Шуни ҳам қайд этиш зарурки, комиссиялар фаолияти ва улар олиб бораётган ишлар мазмуни билан жамоатчиликни таништириб бориш, комиссиялар фаолиятида ҳуқуқий тарғибот ишларига эътибор кучайтирилиб, уларнинг фаолияти оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритилиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиш мумкинки, вояга етмаганларнинг илм-фанга ва касб-ҳунарга қизиқишларини орттириш, уларда Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантиришда янги илғор ва самарали усулларни амалиётга жорий этиш зарур. Ўсиб келаётган авлод ҳаётда муносиб ўрин эгаллаши, соғлом турмуш кечириши учун янада кенг имкониятлар яратиб бериш вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этилишининг олдини олади. Тарбияси оғир ва дарсларни ўзлаштира олмайдиган болаларни тўгаракларга ва оммавий спортга жалб қилиш орқали уларнинг билим ва жисмоний тайёргарлиги даражасини юксалтириш, вояга етмаганлар орасида қаровсизлик ва назоратсизликнинг олдини олиш, таълим муассасаларида ўқувчиларни замонавий касб-ҳунарга ўргатиш ва битирувчиларни ишга жойлаштириш масалаларига кўпроқ эътибор берилиши катта аҳамиятга эга. Зеро, мана шундай амалий чора-тадбирлар мамлакатимиз келажаги бўлган ёшлар истиқболини таъминлашнинг самарали йўлидир.

Мавлуда ТОЖИЕВА,
Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси мутахассиси.

1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

# БОЛАЛАР МЕҲР ВА АРДОҚДА

< [1]

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У.Иноятов, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова, Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси раиси И.Юсупова, «Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ўқув маркази директори М.Охунова, ЮНЕСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонасининг болалар ҳимояси шўъбаси раҳбари Пилар Гонсалес, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси масъул котиби А.Икромов ва бошқалар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни вояга етказиш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ёш авлоднинг пухта таълим олиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида камол топиши, ижодий-интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, ижтимоий ҳимоялаш, соғлиғини сақлашга оид ҳуқуқий кафолатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, кўплаб қонун ҳужжатлари, давлат дастурларида ўз ифодасини топган. «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш, тарбиявий-маънавий ишларни самарали йўлга қўйиш, ёшларнинг онгу шуурини миллий ҳаёт тарзимизга ёт ғоялар, «оммавий маданият»нинг салбий таъсирларидан ҳимоялаш, инклюзив таълимни янада ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлат дастури доирасида «Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси бир қатор вазирликлар, ташкилотлар билан биргаликда ота-она меҳридан бебаҳра болаларнинг ижтимоий муҳофазасини янада кучайтириш, соғломлаштириш, меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган кўплаб лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқда. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан 28 май — 3 июнь кунлари ўтказиладиган «Ҳар бир болага меҳр, эътибор!» махсус ҳафталиги ҳамда 1-10 июнь кунлари ўтадиган «Биз — баркамол авлодмиз!» ўн кунлиги бу йўналишдаги эзгу ишларнинг амалдаги ифодасидир.

Мазкур тадбирлар доирасида меҳрибонлик, мурувват уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари учун хайрия акциялари, театрлаштирилган томошалар, концерт дастурлари, фестиваллар, ижодий кўрик-танловлар, кўргазмалар, спорт мусобақалари ўтказилади. Кам таъминланган оилалар фарзандлари, алоҳида эҳтиёжли болалар учун маданият ва истироҳат боғлари, театрлар, музейлар, тарихий обидалар, ботаника ва ҳайвонот боғларига саёҳатлар ташкил этилади.

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида ўтказиладиган дала сайли кичкинтойларда унутилмас таассурот қолдиради. Мактабдан ташқари таълим муассасалари ва ахборот-ресурс марказларида, маҳаллаларда ёзувчи ва шоирлар, ижодкорлар билан учрашувлар, фильмлар намойиши, бола ҳуқуқларига оид миллий қонунчилигимиз бўйича викториналар, даврa суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилади. Барча болалар мусиқа ва санъат мактабларида «Ёшлик наволари» байрам концертлари бўлиб ўтади.

Болалар форуми доирасида «Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида юртимиздаги барча умумтаълим мактабларида «Биргаликда обод турмуш ва обод Ватан барпо этамиз» мавзуида иншолар танлови ўтказилди. Унда 4,5 минг нафардан ортиқ 7-8-синф ўқувчилари иштирок этди.

— Ватанимизнинг янада обод бўлишига аъло ўқиш, намунали хулқ, фаоллик ва ташаббускорлик билан муносиб ҳисса қўшиш бизнинг фарзандлик бурчимиздир, — дейди Сурхондарё вилоятининг Денов туманидаги 5-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Рисолат Насимова. — Танловга тақдим этган иншомда мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари, барпо этилаётган кўркам ва қулай уй-жойлар, ёшларга кўрсатилаётган юксак меҳр-эътиборни акс эттиришга ҳаракат қилдим.

Форумда ёш авлод камолоти ва истиқболи йўлидаги ғамхўрлик, бу йўналишдаги миллий қонунчилигимизнинг халқаро ҳуқуқий нормаларга уйғунлиги, Обод турмуш йилида амалга оширилаётган эзгу ишлар юзасидан фикр алмашилди.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

# ОМИЛКОРЛИК АСОСИДА




*Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги «Маматқулобод» кўп тармоқли фермер хўжалигида иссиқхона, узумчилик боғи, сутни қайта ишлаш цехи, чорвачилик, нон ишлаб чиқариш цехи ва сабзавот маҳсулотларини етиштириш тармоқлари йўлга қўйилган. Бу ерда меҳнат қилаётган қирққа яқин йигит-қизнинг барчаси касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлардир.*

*Хўжаликнинг 2,8 гектар майдондаги иссиқхонасида помидор ва бодринг маҳсулотлари етиштирилаётир. Ўтган йили мазкур иссиқхонада 60 тонна помидор ва бодринг тайёрланган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткични 80 тоннага етказиш мўлжалланмоқда. Фермер хўжалиги қошида минг тоннагача қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш омборхонаси ҳам мавжуд.*

*Суратда: 1-фермер хўжалиги ишчиси Анора Мусаева.*

МУАММОЛАР МАҲАЛЛАДА ҲАЛ ЭТИЛАДИ

# ҲИСОБОТДА ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР ЕЧИМ ТОПМОҚДА

< [1]

Ҳокимнинг Навбаҳор, Баҳористон қишлоқ фуқаролар йиғини аҳолиси билан ўтган учрашувидан сўнг алоҳида дастур ишлаб чиқилди. Хизмат ва сервис соҳасини ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни ташкил этиш, тикувчилик, паррандачилик ва чорвачиликни йўлга қўйиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш йўналишлари дастурда ўз ифодасини топди.

— Қишлоғимиз аҳолиси билан бўлган учрашувда мен ҳам иштирок этдим, — дейди «Нилуфар Жониқулова» хусусий корхонаси раҳбари Нилуфар Жониқулова. — Ўшанда мен ҳам сўзга чиқиб, паррандачилик йўналиши бўйича хусусий корхона очиш ниятида эканимни айтдим. Тез орада паррандачиликка ихтисослашган хусусий корхона фаолиятини йўлга қўйдим. Бунинг учун маҳалла фаоллари кўмаги билан банкдан 1 миллион 500 минг сўм кредит олдим. Бундан ташқари, озуқа ва ем-хашак учун 5 гектар ер ҳам ажратилди. Натижада бешта янги иш ўрни ташкил этилди.

Навбаҳор қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтган учрашувдан сўнг туман ҳокимининг ёрдами билан бўш турган бинолар тадбиркорларга берилиб, уларнинг ўз бизнесларини бошлашлари учун шароитлар яратилди.

Албатта, қишлоқ ва маҳаллаларда ҳисобот бериш, муаммоларни ўрганиш, уларни бартараф этишнинг муҳим омили. Шу боис туман ҳокими А.Ҳусанбоев ташаббуси билан «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси, Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши, хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Гуруҳ аъзолари эндиликда аҳолининг турмуш тарзини, ечимини кутаётган муаммолар, ижтимоий-иқтисодий масалаларни маҳаллалар орқали ўрганишни йўлга қўйишди. Чунки маҳалладаги барча масалалардан йиғин фаоллари тўлиқ хабардордирлар.

Ҳокимнинг маҳаллаларда ҳисобот бериш жадвали ишлаб чиқилди. Тумандаги 6 та қишлоқ, 24 та маҳалла фуқаролар йиғинида ўтган йиғилишларда аҳолининг фаол иштироки таъминланди.

Бирлашган қишлоқ фуқаролар йиғини аҳлини, асосан, томорқа ерларининг шўрланган, сизот сувлар кўпайиши оқибатида эрта кўкламда экилган мевали ва манзарали дарахтлар саратонда қуриб қолиши каби муаммолар ўйлантираётган эди. Ҳудуддаги маҳаллаларда ҳисобот берган ҳоким қисқа муддатда қишлоқдаги зовурларни тозалаш, вертикал дренажларни ишга тушириш юзасидан гидромелиорация ва насослардан фойдаланиш бошқармаси мутахассисларига топшириқлар берди.

Мирзачўл қишлоқ фуқаролар йиғини ўрамида 3 та маҳалла бор. Туман ҳокимига ишчи гуруҳи аъзолари ушбу маҳаллалардаги муаммолар, хусусан, табиий газ босимининг пастлиги, экинларни суғоришдаги қийинчиликлар, ички йўлларнинг таъмирталаб аҳволга тушганини маълум қилишди.

Йиғилишга таклиф этилган «Мирзаободтумангаз» филиали, қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими, йўлларни таъмирлаш хизмати мутасаддиларининг муаммолар ечими йўлида қилаётган ишлари, уларнинг бу борадаги режалари тингланди. Аҳоли ҳокимдан қишлоқ врачлик пунктидаги «Тез ёрдам» автомашинаси учун етарли миқдорда ёнилғи ажратилишида кўмак беришини сўради. Тез орада бу масала ҳам ўзининг ижобий ечимини топди.

Деҳқонобод, Беруний ва Тошкент қишлоқ фуқаролар йиғинларидаги бошқа маҳаллаларда ҳам туман ҳокими аҳолининг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, қишлоқлар ободлигини таъминлаш билан боғлиқ кўплаб муаммоларни бартараф этиш чораларини кўрди.

Бир сўз билан айтганда, мансабдор шахсларнинг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан йиғинларда ҳисобот беришлари аҳоли турмушининг янада фаровон бўлишига хизмат қилади.

Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ
«Mahalla»

ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК

# МАРД ВА ЖАСУР ЙИГИТЛАР ЮРТНИНГ КЎРКИ, ФАХРИДИР


Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

**— Каромат опа, ўғлингиздан хат келиб турибдими? Қалай, Воҳиджон ҳарбий хизматни яхши ўтаётган эканми?**

Маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Турсуной Ропиеванинг ҳол-аҳвол сўраша туриб, ҳарбий хизматга кетган ўғлини тилга олиши Каромат опанинг қулфи-дилини очиб юборди.

— Кеча қисм командиридан миннатдорлик хати келди.

— Яхши фарзанд фақат ота-онанинг эмас, элнинг ҳам фахри, — деди Турсуной опа. — Эртага мактабда ёшлар тарбиясига бағишланган тадбир ўтказмоқчимиз. Қатнашасиз. Командирнинг хатини ўқиб эшиттирамиз. Ахир, ўғилларингиздек мард, жасур ва билимли ёшларни маҳалламиз йигит-қизларига ўрнак қилиб кўрсатишимиз керак.

Каромат опанинг бундан кўнгли тоғдай кўтарилди. У аскар ўғли, унинг командирларидан ва хизматини беэътибор қолдирмаган маҳалла фаолларидан миннатдор бўлди.

Жиззах шаҳридаги «Қавия» маҳалла фуқаролар йиғинидан 18 нафар йигит муддатли ҳарбий хизматни ўтаётир. Уларни аскарлик сафига кузатиш, хизмат муддатини ўтаб бўлган йигитларни кутиб олиш маросимлари ҳам тантанали ташкил этилди.

— Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда бир аскарни кузатиш, кутиб олишдан тортиб, ундан келган мактуб ҳам катта аҳамият касб этади, — дейди Турсуной опа. — Фарзанди муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган оилалар ҳолидан доим хабар олиб турамиз. Шунингдек, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга қабул қилинганларнинг оилавий ва моддий аҳволини ўрганиб чиқяпмиз. Бу борада туман мудофаа ишлари бўлими бизга кўмакдош.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ҳозир маърифий-маънавий ишларнинг таркибий қисми сифатида такомиллашиб боряпти. Ўтган йили «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Жиззах шаҳар бўлинмаси, шаҳар мудофаа ишлари бўлими, «Нуроний» жамғармаси, хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ, мактаб ва касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорликда шу йўналишда ўндан зиёд тадбир ўтказди.

— Йилнинг ўтган даврида шаҳардаги 33 та маҳалланинг барчасида муддатли ҳарбий хизмат, сафарбарлик чақируви резерви тўғрисида суҳбатлар ўтказилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Жиззах шаҳар бўлинмаси раиси Собиржон Орипов. — Бу тадбирлар намунали оилалар аъзолари, ҳарбий хизматни аъло даража ўтаётган йигитлар ота-онаси номига қисм командирларидан келган миннатдорлик мактубларини ўқиш шаклида ўтказилаётгани учун яхши самара бераётир. Барча маҳаллаларда муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг оилавий шарт-шароити ўрганиляпти. Ҳар йили мудофаа ишлари бўлимлари билан ҳамкорликда олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари ва мактабларда «Ватанпарварлик ойлиги»да турли учрашувлар, маърифий тадбирлар ташкил этиляпти. Бу учрашувларга, айниқса, ёшлар катта иштиёқ ва қизиқиш билан қатнашаётир.

Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш фақат маҳалла ҳудуди билан чегараланиб қолгани йўқ. Фонднинг вилоят бўлими, шаҳар ва туман бўлинмалари масъул ходимлари мудофаа ишлари комиссиялари таркибида бевосита қатнашиб, уларнинг ишларини ташкил этишда кўмаклашмоқда. Бу иштирок чақирув комиссиялари иши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда, улар фаолиятининг очиқ ва ошкоралигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Мудофаа ишлари бўлимларига йиғув ва чақирув пунктларини қайта қуриш ва модернизациялаш, чақирилувчилар ва кузатувчилар учун қулайликлар яратишда ҳам Фонднинг бўлим ва бўлинмалари амалий ёрдам кўрсатишмоқда. Айни пайтда вилоят мудофаа ишлари бошқармасининг йиғув пунктида ҳарбий хизматга чақирилувчилар ҳамда кузатувчилар учун барча шароитлар яратилган янги иншоот барпо этилди. Икки қаватли 125 ўриндан иборат ётоқхона, ҳаммом қурилиб, зарур жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди.

Аскар бўлишга ёшларнинг ҳавасини кучайтираётган яна бир омил — ҳарбий хизматдан қайтган йигитларнинг олий ўқув юртига киришларида берилаётган энг юқори баллнинг 27 фоизи миқдоридаги имтиёздир.

Фонд бўлим ва бўлинмалари, фуқаролар йиғинлари ҳарбий ватанпарварлик тадбирларини изчиллик билан амалга ошириб келмоқдалар.

Бек НАЗАР
«Mahalla»

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

# ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ


Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида фуқароларнинг виждон ва диний эркинлиги борасидаги конституцион ҳуқуқларини таъминлаш, жамиятда диний бағрикенглик ғояларини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Диний бағрикенглик ғоялари тарғиботи, динлараро дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга йўналтирилган кенг қамровли тадбирлар ҳудудларимизда изчил амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, «Имом Бухорий» халқаро маркази, Тошкент Ислом университети, Ўзбекистон мусулмонлари идорасига қарашли диний таълим муассасалари, православ ва протестант семинарияларида диний бағрикенгликни тарғиб этувчи турли тадбирлар ташкиллаштирилиб, кишиларга мутахассислар томонидан аниқ ва ишончли манбалар, таълимотлар асосида маълумотлар берилаётир.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган турли конфессиялар томонидан Ўзбекистонда диндорларнинг эмин-эркин ибодат қилишлари учун барча шароитлар яратилганини дунё эътироф этаётир. Мусулмонлар учун «Ҳидоят» ва «Ислом нури» нашрлари, православликка эътиқод қилувчилар учун «Слово жизни» газетаси, «Восток свыше» журнали, шунингдек, ибодат маърузалари ва бошқа маърифий нашрлар чоп этилаётир. Юртимизда диний ибодат ва расм-русумларини адо этишга тўла-тўкис имконият яратилгани боис мустақиллик йилларида юртдошларимиздан 88 минг нафари ҳаж, 67 минг нафардан зиёди умра зиёратини адо этди.

Диний ташкилот ва конфессиялар вакиллари фаолияти учун қулай шароитлар мамлакатимиздаги бошқа динга эътиқод қилувчиларнинг ҳам самимий эътирофига сазовор бўляпти. Жумладан, яқинда дунё православлари қаторида ўзбекистонлик православ черкови издошлари ҳам Пасха байрамини кенг нишонладилар. Шу муносабат билан улардан 130 нафардан зиёди Исроилнинг Қуддуси шариф шаҳридаги муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиб қайтди. Бу каби зиёратлар ҳар йили ташкил этилаётгани динлараро муносабатларни янада мустаҳкамламоқда.

Миллий қонунчилигимизда ҳам соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий база шаклланган. Бу борадаги давлат сиёсати Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси ва бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, Конституциямиз, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунларда белгиланган аниқ меъёрлар асосида адолатли амалга оширилаётир.

— Бугунги кунда диннинг асл моҳиятини асраш ва тарғиб этиш, уни турли нотўғри қарашлардан ҳимоя қилиш, диннинг маънавий-маърифий салоҳиятини жамиятдаги барқарорлик, ижтимоий ҳамкорлик, конфессиялараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга йўналтириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда, — дейди анжуманда Дин ишлари бўйича қўмита раиси О.Юсупов. — Республикамизда олиб борилаётган виждон эркинлиги соҳасидаги сиёсат, унинг амалий натижалари, мамлакатимизда қарор топган бағрикенглик муҳитини кенг ёритишга қаратилган тадбирларга диний ташкилотлар вакиллари, мутахассис олимларнинг фаол жалб қилиниши натижасида уларнинг самарадорлиги таъминланаётир. Давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан узвий ҳамкорликнинг кучайтирилиши диний бағрикенглик тамойилларини мустаҳкамлаб, жамиятимиздаги маънавий ўзгариш ва юксалишларнинг муҳим омили сифатида намоён бўлмоқда.

Республикамиздаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда диний ташкилотлар ходимлари билан бир қаторда фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳам жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Юлдуз ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

КЕЛАЖАККА САРМОЯ

# БИТИРУВЧИГА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ

**уни амалиёт давридаёқ тадбиркорга айлантирмоқда**



< [1]

Шуниси эътиборлики, 2011-2012 ўқув йилида Нурота туманидаги касб-ҳунар коллежларини тугаллаган 42 нафар битирувчи «Микрокредитбанк»нинг Кармана филиали молиявий кўмаги билан ўз бизнесини йўлга қўйди. Улардан Махфират Тўрақулова, Шаҳноза Қурбонова, Мафтуна Зойирова, Моҳигул Комилова каби қизлар бу санъатни янада такомиллаштиришга бел боғлашган бўлса, Камолиддин Муҳиддинов, Абдулазиз Абдусаломов, Баҳора Баҳриддинова каби ёш тадбиркорлар тегирмон сотиб олиб, ҳамқишлоқлари дастурхони тўкинлигига ҳисса қўшишяпти. Шунингдек, кредит билан таъминланган битирувчилар сафида касаначилик асосида пойабзал тикишни йўлга қўйган ҳамда чорвачилик хўжалиги ва иссиқхона ташкил этганлар ҳам бор.

— «Микрокредитбанк»да «СМС банк» ва «Интернет банк» тўлов хизматлари жорий этилгани биз учун катта қулайлик яратди, — дейди Нурота маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежини тугаллаб, 3 миллион юз минг сўмлик кредит эвазига тикув машинаси сотиб олган Маҳбуба Кушанова. — Бу эса, вақт ва маблағимизни тежаган ҳолда кредит фоизларини тўлаш имконини беряпти.

Дарҳақиқат, мазкур банк филиали томонидан ўтган йилда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ўз тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйиши учун 314 миллион 800 минг сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Бу кўрсаткичнинг 2011 йилдагидан 228 миллион 600 минг сўм кўплиги ўз бизнесини йўлга қўйиб, эл-юрт равнақига ҳисса қўшишга аҳд қилган йигит-қизлар сафининг кенгаяётганидан далолат.

— Ўтган йили Кармана туманидаги касб-ҳунар коллежларини битирган 32 нафар йигит-қизга жами 97,8 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг туман бўлинмаси раиси вазифасини бажарувчи Зебо Очилова. — Айни пайтда ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланишини мониторинг қиляпмиз. Қувонарлиси, ёш тадбиркорларимиз ишончни оқлаб, кредитни тўғри йўналтира олишяпти. Уларга яратилган бу имконият нафақат иш билан таъминлаш, балки ҳунармандчиликни ривожлантириш, сервис хизмати шохобчаларини ташкил этиш, аҳоли турмуш тарзини яхшилашнинг муҳим омили бўлаётир.

Юртимизда амалга оширилаётган ёшлар сиёсатини тўғри йўлга қўйиш мақсадида тижорат банклари томонидан жорий йилда мингдан зиёд коллеж битирувчисига 8 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилиши кўзда тутилмоқда. Ҳозиргача 266 нафар битирувчи 1 миллиард 839 миллион сўм кредит маблағи билан таъминланди ва амалиёт давридаёқ тадбиркорлик фаолиятини бошлашди.

Ҳа, мустақиллик йилларида Ўзбекистон ёшларига яратилаётган шароит ва имкониятларни дунё аҳли эътироф этмоқда. Коллеж битирувчиларини қўллаб-қувватлаб, уларга имтиёзли кредит ажратилаётгани ана шу ғамхўрликдан нишона.

Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»

ҲУНАРДАН УНАР

# Сурхон гиламларининг жилоси

*Термиз туманидаги Каптархона қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилаётган моҳир гиламдўз Марал Ғаффорова 40 йилдан бери шу ҳунар билан машғул.*

*У тўқиган нақшинкор гиламлар хонадонларни, айниқса, ёш оилаларнинг уйини безаб, кишиларга завқ бағишламоқда. Ҳунарманд ҳозиргача тарақи, чумчуқи, қиличаки, қолин каби гилам турлари ва пояндозларни мижозларга етказиб бермоқда.*

*У 1994 йилда биринчилардан бўлиб, хонадонида цех ташкил қилди, 10 нафарга яқин хотин-қизни иш билан таъминлади.*

*— Бир ойда учта тарақи гилам ишлаб чиқарамиз, — дейди ҳунарманд. — Яқинда қолин тўқишни ҳам йўлга қўйдик. Маҳсулотимизни харидорлар уйдан олиб кетишади. Даромад ёмон эмас. Ўлчами 2х3 метрли гиламларни ўртача 300-350 минг сўмдан сотяпмиз. Бир йилда 35-36 та гилам ишлаб чиқарамиз. Ҳунар сирларини оила аъзоларимга ҳам ўргатганман. Набирам Ойжамол момоларимиз анъаналари билан бир қаторда замонавий гилам тўқиш усулларини омихталаштиришга интиляпти. У деворга осиладиган гиламчаларга сурат солиш, табрик, шиор ва чақириқларни ёзиш ҳадисини олган. Сурхоннинг қадимий гиламчилик анъаналарини ёшларга етказишга катта эътибор қаратяпман. Халқобод педагогика коллежи билан яқин алоқа ўрнатганмиз. Мазкур муассаса ўқувчилари цехимизга келиб, иш ўрганишади, кўмак беришади. Яқинда шу коллежнинг талабаси Шаҳноза Қодирова бир ой мобайнида гилам тўқиш сирларини ўрганди. У қишлоғида цех очиш ниятида.*

*Марал Ғаффоровага қизи Гўзал ҳамда неваралари Тозагул, Ойжамол ва Малика яқин кўмакдош.*

*Гиламдўзлик ҳунарини эъзозлаб М.Ғаффорова кам бўлгани йўқ. У замонавий, барча шарт-шароитларга эга турар-жой соҳибаси. Ҳунари ортидан элда обрў топди. Рўзғорига барака кирди.*

*Ҳа, ота-боболаримиз «Ҳунардан унар», деб бежиз айтишмаган.*

М.АЗИМОВ
«Mahalla»


Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

МАҲАЛЛАДАН ХОРИЖГА

# Ишлаб чиқариш кенгайтирилди

**Хўжайли туманидаги «Elite stars textile» масъулияти чекланган жамияти қайта ташкил этилгач, йилига 5 минг тонна юқори сифатли ип йигириб чиқаришга мослаштирилди.**

Корхонага 5,3 млн. АҚШ долларлик Германия, Франция, Швейцария, Туркия, Япония ва Хитой давлатларида ишлаб чиқарилган янги технологик ускуналар ўрнатилди.

Бугунги кунда бу ерда 175 нафар киши иш билан таъминланди. Шундан 112 нафари коллеж битирувчиларидир.

Жорий йилнинг дастлабки чорагида 20 млн. сўм фойда олинди. Корхона жамоаси ўз фаолиятини келгусида янада кенгайтириб, экспорт ҳажмини ошириш, янги иш ўринлари ташкил этишни мақсад қилган.

Перхан АЛЛАМБЕРГЕНОВА
«Mahalla»

ИШ БИЛГАНГА, БАЛЛИ!

# НОЗИК, АММО ТАЪМИ ШИРИН, ДАРОМАДИ КЎП

**Қибрай тумани «Қибрай» шаҳарча фуқаролар йиғини Мирзо Улуғбек номидаги маҳаллада истиқомат қилаётган боғбон Лутфулла Муҳаммедов янгиликка интилувчан, тиниб-тинчимас инсон.**

— 2006 йилда фермер хўжалиги тузиб, 7,5 гектар майдонда боғ ташкил қилдик, — дейди боғбон. — У ерда турли мевали дарахтларни парваришлаяпмиз. Боғдорчилик — сердаромад соҳа. Фақат қандай кўчат ўтқазишни билиш керак. Ҳам одамлар севиб истеъмол қиладиган, ҳам бозорбоп маҳсулот етиштириш мақсадида юз туп гилос эккандик. Шунинг орқасидан рўзғоримизга барака кирди. Олаётган даромаддан чорвачилик ва паррандачиликни йўлга қўйдик. Сут-қатиқ, тухумни ўзимиздан орттириб, бозорга ҳам чиқаряпмиз. Даврнинг ўзи одамларни тарбиялади. Тадбиркорликни ўргатди.

Қирқ йиллик тажрибага эга боғбон Лутфулла Муҳаммедов маҳалла аҳлига боғдорчилик сир-синоатларини ўргатиб келмоқда. Боғ ортидан уч нафар ишчининг турмуши обод. Фермернинг тавсияси билан улар ҳам қўшимча даромад манбаи сифатида чорвачиликни йўлга қўйишган.

— Инсон ўзи билган, тушунган касбни танлаши лозим, — дейди Лутфулла Муҳаммедов. — Нафақага чиққач, қаровсиз қолган шу боғни парваришлашни ният қилдим. Аксарият дарахтлар ёшини яшаб бўлганидан улар ўрнига гилоснинг «Ривешён» навини экдим. Бу навнинг ҳосили кечпишар, аммо сифатли, 20 кунгача аслини йўқотмайди, нафақат ички, балки халқаро бозорга чиқариш учун ҳам қулай. Таъми ширин, донаси йирик.

Гилос бошқа мевали дарахтлардан нозикроқ. Шу боис дастлабки беш йилда шакл берилади. Кейин дарахт бутаси йириклашиб, чидамлилиги ҳам, ҳосили ҳам ортади. Шамолда танаси тез қайрилишини инобатта олиб, шакл берилаётганда ўзак навданинг шимол тарафга қараганини қолдириш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, у гўнгни хушламайди. Йилда беш марта суғориб, тагига аммофос сепган маъқул. Сув қуяётганда ҳам танадан бир-бир ярим метр масофа сақлаш лозим. Таги бўшашиб, танаси қайрилгач, синиш эҳтимоли кучаяди.

Лутфулла Муҳаммедов кўчат етиштиришни ҳам яхши йўлга қўйган. Ўтган йили минг туп гилос кўчатини Хитойга экспорт қилди. Пайванд қилиш орқали бу муваффақиятга эришган боғбоннинг изланувчанлигидан маҳалла аҳли ҳам хурсанд.


Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

«Қибрай» шаҳарча фуқаролар йиғини ҳудудидаги ҳар бир томорқада у етиштирган кўчатлар парваришланяпти. Маҳалла аҳлининг томорқадан фойдаланиш маданияти юксалиб бораётганида моҳир боғбоннинг ҳам ҳиссаси бор.

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«Mahalla»

«УНИВЕРСИАДА — 2013»

# КЎҲНА ШАҲАР НАВҚИРОНЛИК ШУКУҲИДА



Т.ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат.

**Бугун Бухорога ташриф буюрган киши воҳада универсиада шукуҳини ҳис этади. Яна бир неча кунлардан сўнг республика талаба ёшларининг «Универсиада — 2013» мусобақаларини қабул қиладиган кўҳна шаҳар ушбу катта байрамга муносиб ҳозирлик кўрди.**

Бухоро шаҳрида бир қатор спорт иншоотлари барпо этилиб, мавжудлари реконструкция қилинди. Кўча ва хиёбонларда эса ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш юмушлари амалга оширилди.

Бухоро шаҳридаги «Пиридастгир» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган «Семурғ» сув ҳавзасини Мирзо Улуғбек номидаги ишлаб чиқариш корхонаси бунёдкорлари халқаро андозаларга мос тарзда таъмирладилар.

— Ҳудудимизда бундай муҳташам спорт иншоотининг қайта реконструкция қилиниб, замонавий талаблар асосида жиҳозлангани маҳалламиз ёшлари учун ҳам қулайликлар яратади, — дейди «Пиридастгир» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Галина Эргашева. — Айни пайтда йиғинимиздаги 260 нафар ўғил-қиз шу иншоотда спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Улар орасидан Бухоро давлат тиббиёт институти талабалари Манзура Кароматова ва Темур Курязов универсиада мусобақасида сузиш бўйича вилоятимиз шарафини ҳимоя қилишади.

«Универсиада — 2013» спорт мусобақаларига тайёргарлик, айниқса, тадбирнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари ҳамда енгил атлетика беллашувлари ўтказиладиган «Бухоро» спорт мажмуасида ҳам яққол кўзга ташланиб турибди.

Стадионнинг 20 минг ўриндиғи алмаштирилди. Футбол майдонига майса экилди. Югуриш йўлакларидаги сунъий қопламалар янгиланди. Бир сўз билан айтганда, иншоот аввалгидан кўркам қиёфа касб этди.

— Ёшлигимизда спорт билан шуғулланганмиз, — дейди Бухоро шаҳри Маҳмуд Торобий номидаги маҳаллада яшовчи 80 ёшли отахон Мустафо Каримов. — У пайтларда ҳозиргидек шароитлар йўқ эди. Мустақилликдан сўнг спортга катта эътибор қаратилди. Буни биргина «Бухоро» спорт мажмуаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда яратилган қулайликлар ёшларимизга ўз маҳоратларини ошириш ва юқори натижаларга эришиш имкониятини беради. Қанийди, мен ҳам ёшарсаму, ана шундай замонавий спорт иншоотларида спорт билан шуғулланиб, зафарларга эришсам...

Ҳа, Юртбошимиз ташаббуси билан асос солинган уч босқичли спорт мусобақалари силсиласи ҳар бир ҳудуд қиёфасига ўзгача чирой бахш этиши баробарида, янгидан-янги замонавий спорт иншоотларининг қурилиши ҳамда ёшларимизнинг жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишлари учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу эса, ёшларимизнинг халқаро майдонлардаги музаффар одимларини кафолатлайди.

Акбар РУСТАМОВ
«Mahalla»

ҚОНУН ИЖРОСИ

# СОҒЛОМ КЕЛАЖАК ВА ФАРОВОН ТУРМУШ САРИ

< [1]



— «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонунда келажак ворислари манфаатларини кўзлаб янги тартиблар жорий этилди, — дейди Тошкент давлат юридик институти ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди Раъно Ҳусаинова. — Жумладан, пиво алкоголь маҳсулотлари таркибига киритилди. Давлат органларига алкоголь ва тамаки маҳсулотлари чеклови учун ваколат берилди. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш фақаттина юридик шахслар томонидан амалга оширилади. Турли мустақил расталарда (мактаб ва метро атрофида тамаки сотаётган майда тадбиркорларга ҳам) бу маҳсулотларни сотиш қонунан тақиқланди.

Очиқ қутиларда доналаб сигарета сотишнинг ман этилгани болаларимизнинг бу иллат қулига айланиб қолмасликларига ёрдам беради, албатта. Қонун талабларидан яна бири — алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ҳар қандай очиқ ва яширин тарғиботига йўл қўйилмаслигидир. Агарда клип, фильм, плакат, фотография ва бадиий постановкаларда бу маҳсулотлар кўз-кўз қилинса, муаллиф қонун бўйича жавобгарликка тортилади.

Бундан ташқари, жамоат транспортлари, ишхоналар, кўча, стадион ва бошқа жамоат жойларида алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг қатъиян тақиқлангани нафақат ён-атрофдагиларнинг хавфсизлигини, балки саломатлигини ҳам кафолатлайди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёда бу иллатлар билан боғлиқ касаллик ва жароҳатлар боис ҳар йили 2,5 миллион одам вафот этади. Уларнинг кўпчилиги ёшлар экани аянчли. Тиббиёт тилида «пассив чекувчи» деган атама учрайди. Булар гарчи никотин заҳрини «хуш кўриб» истеъмол қилмасалар-да, унинг тутуни оқибатида ўпка раки, юрак хуружи, ўпка сили, астма ва бошқа нафас йўли касалликларини орттириб олган, соғлиғини бой берган кишилардир. Ачинарлиси, пассив чекиш йилига 600 минг кишини ҳаётдан олиб кетади. Уларнинг 40 фоизи болалар, қолгани умуман чекмайдиган инсонлардир.

Ҳа, бундай маълумотлар кишини ларзага солади, мулоҳаза юритишга мажбур этади. Ушбу қонуннинг ўз вақтида қабул қилингани мамлакатимиз келажагига кўрсатилган ғамхўрлик, ўғил-қизларимизни соғлом, иродали ва юксак билимга эга инсонлар этиб тарбиялашнинг асосий омилидир. Унинг ижросини таъминлаш, ҳудудларда алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг инсон саломатлиги, миллат генофондига нақадар катта зиён етказишини тушунтириш долзарб вазифадир. Шу боис «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳудудий тузилмалари томонидан мутахассислар иштирокида изчил ўтказиб келинаётган тарғибот тадбирларига аҳолининг барча қатлами жалб этилаётир.



Фонднинг Тошкент вилояти бўлими томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида мазкур қонун ижроси юзасидан қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, ҳудудларда алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг савдосини назоратга олиш борасида 1072 та маҳаллада 1746 та кенг қамровли тарғибот тадбирлари ўтказилди. Бундай тушунтириш ишларида 54 минг нафарга яқин киши қатнашди. Қонун ижросини таъминлаш мақсадида 640 та савдо шохобчасида жамоатчилик назорати ташкил этилди. Ушбу тадбирларда сурункали контрабанда, ноқонуний савдо билан шуғулланиб келган шахслар фош этилиб, бу ҳақда тегишли идораларга ахборот берилди. Аҳолини ушбу иллат таъсиридан ҳимоялаш, айниқса, ёш авлод вакилларини асраб-авайлашга катта эътибор қаратилаётир.

— Сурхондарёда ҳам мазкур қонун ижроси юзасидан талай ишлар амалга оширилаётир, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг вилоят бўлими бошқаруви раиси А.Абдураззоқов. — Жумладан, жорий йилнинг шу даврига қадар бўлимимиз томонидан 420 та маҳаллада тарғибот тадбирлари уюштирилиб, мутахассисларнинг иштироки таъминланди. Фуқаролар йиғинларида мутасадди ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликда шохобчаларнинг алкоголь ва тамаки маҳсулотлари билан савдо қилиш рухсатномасига эгалиги ўрганилиб, 44 та савдо объекти устидан жамоатчилик назорати ўрнатилди. Раҳбарлар ва сотувчиларга қонунда белгиланган талаблар тушунтирилди.

Фонднинг Фарғона вилояти бўлими бошқаруви тақдим этган маълумотларга кўра, жорий йилнинг шу даврига қадар 467 та маҳалланинг 35025 нафар аҳолиси алкоголь ва тамаки маҳсулотлари зараридан огоҳлантирилди. Айни масала юзасидан 235 та савдо объекти устидан жамоатчилик назорати ўрнатилди. Ҳамкор ташкилотлар билан олиб борилаётган тезкор тадбирларда бу борадаги қонунбузилишлар аниқланиб, 5 нафар шахс устидан тегишли давлат идораларига ахборотлар берилди.

Юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам бундай хайрли ишлар изчил амалга оширилаётгани қувонарли. Бугун қайси маҳаллага борманг, у ернинг ўз чемпиони, паҳлавони, илму фан, санъату адабиётда беназир фарзандлари бор. Улар эришаётган ғалабаларидан руҳланиб, бундай муваффақиятларни арзимаган «кўнгилхушлик»ларга асло алмаштирмаслигини, киши ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом бўлсагина саодатга етишини таъкидлашади. Зеро, уларнинг беғубор онгу шуурида оқу қорани фарқлаш, зарарли иллатлардан ҳимояланишдек тушунчанинг қарор топиши соғлом ва баркамол келажакка пойдевордир.

Юлдуз ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

СПОРТ

Бокс

# Ўсмир чемпионлар



**Озарбойжон пойтахтида ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари иккита олтин ва битта кумуш медаль жамғариб, умумжамоа ҳисобида кучли учликдан жой олди.**

Ўнга яқин мамлакатдан 130 нафардан зиёд боксчи иштирок этган мусобақада Б.Толибов 57 килограмм вазн тоифасидаги баҳсларнинг ярим финалида грузиялик Э.Мадиевни, финалда украиналик М. Ишченкони енгиб, олтин медални қўлга киритди.

Б.Нидоев ҳам 48 килограмм вазн тоифасидаги барча учрашувни ўз фойдасига ҳал қилиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

М.Неъматов 70 килограмм вазн тоифасида рингга чиқиб, кумуш медалга сазовор бўлди.

КЎРГАЗМА

# Митти тасвирларда беғубор тасаввурлар



**Ўзбекистон Бадиий академияси Икуо Хираяма Халқаро Маданият карвонсаройи билан ҳамкорликда 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб «Дунё — болалар нигоҳида» деб номланган кўргазма ташкил этди.**

Унда беғубор тасаввурини ҳаёт билан боғлай олган Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати 1-, 4- синф ўқувчиларининг ижодий ишлари намойиш этилди.

Ўқувчиларнинг Ватан, оила, табиат ҳақидаги дунёқарашини улар яратган асарлар орқали англаш мумкин. Болаларнинг беғубор тасаввури уларнинг митти асарларида ҳам акс этган.

Тадбир сўнггида Иброҳим Ҳожиакбаров, Полина Хегай, Аббос Тўраев, Гулруҳ Нормахматова, Мадинабону Давронова каби ўқувчилар совринли ўринлар билан тақдирланди. Энг яхши ижодий ишлар учун иштирокчиларга Икуо Хираяма Халқаро Маданият карвонсаройи дипломи ва эсдалик совғалари ҳамда сертификатлар топширилди.

Майсара НАЗАРОВА.

ТАДБИР

# «Келажакка бир қадам»

**Пойтахтимизнинг Ҳамза тумани «Жўрабек» маҳалласида жойлашган «Sanvikt» ногирон болалар илмий-бадиий марказида Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти қошида ташкил этилган «ASC» («Амалий санъат клуби») ижодий гуруҳининг хайрия тадбири «Келажакка бир қадам»деб номланди.**

Ўзбекистон Бадиий академияси, Республика рассомлик коллежи ва қатор ҳомий ташкилотлар ҳамкорлик қилган тадбирда 50 дан зиёд имконияти чекланган ва кам таъминланган болалар рассомлик, кулолчилик, кўғирчоқсозлик ва батик (матога гул чизиш) йўналишларидаги ижодий ишлари билан қатнашишди. Бу ерда кўргазма ташкил этилиб, маҳорат машғулотлари уюштирилди.

Жисмоний имкониятидаги етишмовчиликларга қарамай, бор маҳоратини, истеъдодини намойиш этган фаол болажонларга тадбир ҳомийлари совғалар, диплом ва сертификатлар топширишди. Анжуман якунида қувноқ дастурлар, бадиий кўргазмалар, эстрада ва кино юлдузлари иштирокида ташкиллаштирилган концерт болаларнинг қалбларига қувонч улашди.

Нилуфар ҲАСАНОВА.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Янгийўл тумани бўлинмаси тумандаги «Ишчилар шаҳарчаси» маҳалла фуқаролар йиғини раиси
Аҳад СОЛИЕВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

ҚУЛАЙЛИК

# «Афсона» — ўтмиш ва бугуннинг риштаси

**Давлатимиз раҳбарининг шу йилнинг 20 мартида қабул қилинган «2013-2015 йилларда Хоразм вилоятида сайёҳлик соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори асосида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.**



Хорижий ва маҳаллий сайёҳларнинг тарихий шаҳарлардаги ноёб маданий ва меъморий ёдгорликлар билан танишиш учун янада қулай шароитлар яратиш борасида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси томонидан «Тошкент — Самарқанд — Қарши — Бухоро — Урганч» йўналиши бўйича ҳаракатланадиган янги «Афсона» махсус саёҳат поезди қатнови йўлга қўйилди. Шаҳримиз меҳмонлари бу қулайликдан жуда миннатдор.

«Афсона» боис қадим шаҳримизга ташриф буюраётган сайёҳлар оқими янада кўпаймоқда. Бу эса, воҳада туризм имкониятларини янада юксалтириш, тизим инфатузилмасини ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

А.БЕКЖОНОВА,
«Ичонқалъа» музей-қўриқхонаси катта илмий ходими.





# Номаълум касаллик

**АҚШнинг Алабама штатида етти нафар киши номаълум касаллик туфайли шифохонага ётқизилган.**



Улардан икки нафари вафот этган. Беморлар ҳароратнинг кўтарилиши ва нафас сиқилишидан шикоят қилмоқда.

Шифокорлар касаллик сабабини ҳануз топа олишгани йўқ. Бироқ беморларнинг бири чўчқа гриппи — H1N1га чалингани аниқланган.

Ҳозирда касаллик илмий ходимлар томонидан ўрганилмоқда, дея хабар беради «ИТАР-ТАСС» ахборот агентлиги.

# Булутлар орасида



**«Dinner in the Sky» («Самодаги тамаддихона») ресторани ўз мижозларига булутлар орасида хизмат кўрсатишни йўлга қўйди.**

Мазкур ресторан тармоқларига оид овқатланиш шохобчалари Европанинг Амстердам, Париж, Барселона, Мадрид, Будапешт, Брюссель ва бошқа шаҳарларида хўрандаларга хизмат кўрсатиб келмоқда.

22 нафар меҳмон ва 4 нафар официантни бағрига олган 7 тонналик платформа бир соат ичида 50 метр баландликка кўтарилади. «Қўшни» платформадан эса мусиқачилар жой олишган.

Немис андозалари асосида Бельгияда яратилган «Dinner in the Sky» ресторани хўрандалар учун мутлақо хавфсиз эканлигига ташкилотчилар тўла кафолат беришган.

# 80 ёшда Эверестни забт этди

**80 ёшли япониялик Юитиро Миура Эверест чўққисини забт этган дунёнинг энг кекса одами бўлди.**



8848 метр баландликни забт этиш учун Миура ва унинг ўғли Гото 8 кун машаққат чекишди.

Охирги масофани босиб ўтиш чоғида альпинистлар нафас олишда бироз қийинчиликка дуч келишди. Натижада улар кислород ниқобларида ҳаракатланишга мажбур бўлдилар. Аммо бу заҳматлар ҳам Юитиронинг ўз мақсадига эришишига тўсқинлик қила олмади.

Интернет хабарлари асосида Н.ЮНУСОВА тайёрлади.


«ЎКТАМХОН НУР ЗИЁ»
Ўқув маркази ўқишга таклиф қилади!
Ҳар ойнинг биринчи кунидан янги гуруҳ очилади.

Аёллар астарлик костюм-шими 1-2 ой
Бисер тикиш 2 ой
Тўй ва оқшом либослари 1-2 ой
Сунъий гул 1 ой
Бичиш-тикиш, моделлаш 1 ой
Рус тили 3 ой
Малака ошириш 1 ой
Инглиз тили 3 ой
Ўзбек миллий таомлари 1 ой
Турк тили 3 ой
Уйғур таомлари 1 ой
Математика 3 ой
Аёллар сартарошлиги 3 ой
Тўқувчилик 3 ой
Тўй, оқшом турмаги, макияж 1 ой

Карвинг 3 ой
Гўзаллик салонига тайёрлаш 1 ой
Торт ва пишириқлар 2 ой
Элита пардалар тикиш 1 ой
Торт олий курси 1 ой
Элита пардалар олий курси 1 ой
Бухгалтерия ҳисоби 3 ой
Эркаклар сартарошлиги 2-3 ой
Тикувчилик 3 ой
Каштачилик, маш.вышивка 3 ой
Сарпо қути, саватлар ясаш 1 ой
Бисердан дарахт, гуллар ясаш 1 ой

ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИБ, САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ ОЛИНГ.

ЁТОҚХОНА МАВЖУД ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҲАР КУНИ

Манзил: Тошкент шаҳар, Юнусобод 3-мавзе, 1-уй, 31-хона.
Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори бош томон орқасида.
Тел: +99871 221-77-72
+99894 678-50-30
Кундузги: +99871 221-17-95
Кечки: +99871 225-97-93

Филиал: Ҳамза тумани, Фарғона йўли, Қўйлиқ, 4-уй, 40-хона
Мўлжал: Қўйлиқ универсал савдо мажмуаси рўпарасида.
Тел: +99893 574-61-84
+99894 678-50-30
Кундузги: +99871 295-97-82
Кечки: +99871 225-97-93



Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
236-53-93 233-39-89
236-53-75 236-57-62
Факс: 233-10-73

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Н.Юнусова
Нашр навбатчиси: Н.Чориев
Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.

23565 нусхада чоп этилди. Буюртма J-7216 Топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.00